12.5 ОКТ 1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 241 (6.432) 1987 йил 24 октябрь, шанба Баҳоси 3 тийин

1917 1987

Ташаббускорлик самараси

Механика участкасининг токари Василий Сергеевич Лифшиннинг номини 1-автомобиль ремонти заводидагина эмас, қолаверса «Ўзавторемонт» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Бунинг боиси бор, албатта. 33 йилдирки, у шу корхонада ўзининг жонажон коллективи қучоғида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Юбилей йилида ўз касбининг устаси, ёшлар мураббийси В. Лифшин Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги байрами нишонланадиган кунга қадар ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили планини адо этишга қатъий аҳд қилган эди. Яқинда Василий Сергеевич ана шу мажбуриятни шараф билан бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди. Ўтган бир йилу саккиз ой мобайнида у 37 минг 500 сўмлик ўрнига 65 минг 689 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Икки йиллик план-топшириқнинг 174 процентини ташкил этди.

Тажрибали токарь Василий Лифшин кўпстаноклчилик ҳаракатини корхонада биринчи бўлиб бошлаб берди. Бу ҳаракат айни кунларда у эришаётган ютуқларнинг бош омили бўлмоқда.

Л. МАТКАРИМОВА.

Бахтиёрлар маскани

Бугун

шаҳримизнинг Калинин массивида 160 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топшириладиган бўлди. Замонавий типда қурилган бу масканни «Главташкентстрой»нинг 159-трестига қарашли 70-қурилиш бошқармаси бинокорлари Улуғ Октябрь 70 йиллиги арафасида кичкинтойларга совға этдилар.

Шу билан шаҳримиздаги мактабгача ёшдаги болалар муассасалари сони 638 та бўлди. Буларда 157 минг 160 бола тарбияланмоқда.

«Май тонги»

Бугун

«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг коллективи Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига атаб бир неча янги хил номдаги маҳсулотлар ни ишлаб чиқаришга киришди.

Булар «Травинка», «Нектар», «Май тонги», «Карнавал туни», «Богда куз» деб аталади. Бу маҳсулотлар билан бир қаторда беҳилп, ўрикли карамеллар ҳам истеъмолчиларга манзур бўлади.

Корхонанинг илғор ишчиси Матлуба Дўстова бошчилик қилаётган бригада КПСС Марказий Комитетининг юбилейолди Чақириқларидан илҳомланиб, кундалик топшириқларни ошириб бажаришга киришмоқда. Бригаданинг Р. Эгамбердиева, М. Тошхўжаева, Ш. Ортиқхўжаева сингари ишчилари смена топшириғини 130—140 процент адо этишмоқда.

Манзур бўлади

Бугун

республика қийим моделлари уйи чеварлари «Н» янгилик индекси билан юбкали жакетларни тайёрлашга киришди. Бу янги маҳсулотдан 800 дона ишлаб чиқарилади.

Куз ва қиш фаслига мўлжалланган бу либос катак-катак сифатли жун матодан тикилмоқда.

Модалар уйи айни пайтда республикамиздаги 14 та тикув корхонасини замонавий намуналари билан таъминламоқда.

Либослар масканнинг бир-биридан чиройли маҳсулотларини Халқлар дўстлиги проспектида жойлашган «Перспектива» фирмали магазинида ҳам кўриш мумкин.



«Тошкент оқшоми» махсус мухбирлари оталиқдаги Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларидан хабар қиладилар.

БИЗ ҲАММАМИЗ— ПАХТАКОРМИЗ

Бўлажак йўлсозлар ютуғи

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти коллективи Сирдарё область Ильич районидаги «Правда» газетаси номли совхоз чўлқуварлари билан кўп йиллардан буён ўзаро ҳамкорлик қилиб келади. Дўстлик илпари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Институт педагогика коллективи ва студентлари айниқса етиштирилган «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда сирдарёликларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Республика партия ва ҳукуматининг даъватига кўра институт коллективи биринчилар қатори чўлқуварлар қошига отланди. Дастлабки икки ҳафта якунлари бўйича ҳашарчилар 1500 тонна пахта териб бердилар. Сирдарё областида меҳнат қилаётган олий ўқув юртлари ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилганлиги учун институт коллективига кўчма Қизил байроқ топширилди ва 500 сўм пул мукофоти берилди.

Мана беш йилдирки, институт коллективи фақат пахта йиғим-терими бўйича эмас, бошқа масалаларда ҳам совхоз ишчи ва хизматчиларига яқиндан ёрдам бериб келяпти. Улар хўжаликларда бўлиб, агитация ва пропаганда ишларини олиб боришмоқда, қишлоқ хўжалиги техникасини ремонт қилишда кўмаклашишмоқда.

Бўлажак автотранспортчилар дала шийпонларини жиҳозлашда ҳам ўзига хос ташаббус кўрсатдилар. Айниқса, институт коллективи жойлашган дала шийпони ўзгача. Ўзининг жиҳозланиши билан киши диққатини тортади. Шуниси диққатга сазоворки, бу дала шийпони ана шу студентларнинг лойиҳалари ва ўз кучлари билан қурилган. Бу ерда ором олиш учун шинам хоналар, кенг ошхона, медицина пункти, кутубхона ва ўқув заллари бор. Уларнинг ҳаммаси бир том остига жойлашган. Бундан ташқари спорт майдончаси, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш омбори мавжуд.

— Студентларимиз Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитиб ишлашмоқда, — дейди институт ректори С. П. Пўлатов.— Пахта штаби илғор теримчиларни аниқлаб боряпти. Илғорлар совхоз маъмурияти томонидан рағбатлантирилмоқда. А. Наҳанов, А. Қирғизов, И. Ғуломов, К. Авазов, З. Ҳудойқулов, З. Бўрибоев, Ҳ. Мансуров каби илғор теримчи студентларнинг номини фахр билан тилга оламиз. Ўларнинг ҳар бири шахсий ҳисобида бир ярим тоннага яқин терилган пахта бор. Коллективимиз орасида рекордчи теримчилар ҳам кўпгина. 4-курс студенти З. Олтибоев колхоз хирмонига ҳар куни 200—300 килограмм пахта териб тўкмоқда...

Хуллас, институт студентлари совхоз далаларида фидокорлик намунасини кўрсатмоқдалар. Улар уйғун хирмон тобора кўкка бўй чўзиб бормоқда.

М. ХАЛИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: «Правда» газетаси номли совхоз далаларида меҳнат қилаётган институт студентларининг ҳаётидан лавҳалар.

Т. Каримов фотолари.



«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун мавсум бошидан буён.

Хоразм	0,98	73,03
Бухоро	1,59	69,75
Сурхондарё	1,92	68,27
Тошкент	2,14	65,50
ҚҚАССР	1,18	60,35
Фарғона	2,00	57,97
Сирдарё	2,81	57,94
Жиззах	3,21	57,79
Наманган	2,42	49,55
Қашқадарё	1,49	48,09
Андижон	2,04	45,10
Навоий	1,19	42,68
Самарқанд	1,51	40,90
Республика бўйича:	1,90	56,81



Куни кеча редакциямизга София Пресс агентлигининг Москвадаги мухбирлик бюроси раҳбари, фалсафа фанлари кандидати Бонев Лъчезар Дмитров ташриф буюрди. Маълумки, у Урта Осиё республикалари бўйлаб сафар қилиб юрибди. Меҳмон Тошкентнинг «Оқшом» газеталари ишн билан батафсил танишди. У редакциянинг газетхонлар билан олиб бораётган жамоатчилик иш услуби, икки тилда мустақил равишда нашр этилаётган «Оқшом» газеталарининг чиқарилиши билан, бошқа кўпгина «Оқшом» газеталаридан фарқли ўлароқ Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг органи сифатида бажараётган ишлари билан айниқса қизиқиб танишди.

Меҳмонга «Оқшом» редакцияси қошидаги жамоатчи ходимлардан ташкил топган жамоатчилик редакциясининг иш услуби, редакциянинг бутун составн билан шаҳримиз районларига чиқиб, у ерда сайёр редакция сафарларини уюштириш, «Оқшомхон истаклари» рубрикаси остида уларнинг илтимосларн билан газета сонларини тайёрлаш, «Саломатлик» ва бошқа кўпгина янги рубрикалар остида берилаётган материалларни ёритиш формалари айниқса манзур бўлди.

Узоқ давом этган ҳамда ошкоралик ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида мамлакатимизда қайта қуриш жараёнларининг бориши ҳақида ва Болгария Халқ Республикасидаги қайта қурншнинг борнши тўғрисида ва журналистларнинг ана шу йўналишдаги илғор тажрибаларини ёритиш бўйича вазифалари ҳақида ўзаро фикр алмашнлди.

Бонев Лъчезар Димитров Тошкентнинг «Оқшом» газеталари илтимосига кўра, Ўзбекистон пойтахти аҳолисини қизиқтирган масалалар юзасидан Болгарияда қайта қуриш қандай кетаётганлиги, шаҳар хўжалигини такомиллаштириш, маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатишнинг янги формалари, Болгария корхоналари, муассасаларининг Ўзбекистон пойтахтидаги турдош корхоналари билан ўзаро алоқаси тўғрисида материаллар тайёрлаб бериш истагини билдирди.

Уз навбатида Тошкентнинг «Оқшом» газеталари учун ҳам газетхонларни қардош Болгарияда амалга оширилаётган қайта қуриш жараёни тажрибалари билан янада тўлароқ таништириш, республикамиз учун қимматли бўлган кўпгина янгиликлардан уларни хабардор этиш имконнятн ҳам туғиладн.


«Оқшом» меҳмони

КАСПАРОВ—КАРПОВ МАТЧИДА

Кеча Севильяда матчнинг бешинчи партияси ўйналди. Собиқ чемпион Анатолий Карпов ўн тўртинчи юришда Грюнфельд дебютига янгилик киритди. Чемпион жавоб юришини ўйлаш учун деярли бир соат вақт сарфлади. Кейин тахта устидаги вазият ниҳоятда мураккаблашиб, ҳар икки томон учун хавфли ҳолатлар вужудга кела бошлади. 38-юришда чемпионнинг оти қамалга тушиб қолди. Шундан кейин у ўз мағлубиятини тан олишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, 3:2 ҳисобида А. Карпов олдинга чиқиб олди.

Олтинчи партия душанба куни ўйналади. Оқ доналар жаҳон чемпионининг ихтиёрида бўлади.

Замондошимиз



Эртага—Автотранспорт ходимлари куни

Йўлингиз! бехатар бўлсин

«Главташпассавтотранс»нинг 8-автопарки шаҳримиз меҳнаткашларига намуналн хизмат кўрсатаётган йирик автотранспорт хўжаликларидан бири ҳисобланади. Ўзларининг анъанавий байрамларини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олаётган автокорхона ҳайдовчилари, инженер-техник ходимлари катта марраларни кўзлаб меҳнат қилишяпти. Коллектив барча қаторн Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар қабул қилиб ишламоқда. Автопарк ҳайдовчилари бу йил пландан ташқари 80 минг пассажирни ўз манзилига етказиб қўйиш ва 500 минг километр ортиқча йўл босишга аҳд қилишган.

Шу кунларда коллектив ваъдага вафо қилиш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб ишламоқда. Автопаркда мавжуд бўлган 250 га яқин автобусни 380 дан ортиқ моҳир ҳайдовчи бошқарадн.

Коллективда қайта қуриш ишлари юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилятпи. Шулардан бири Юнусобод массивининг 10-кварталидан Олой бозори яқинидаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги автостанцияси ўртасида янги маршрут линиясини очишдир. Бу линияда дастлаб 9 та автобус қатнайди. Кейинчалик уларнинг сони 12 тага етказилади. Янги маршрут линиясига автопаркнинг илғор ҳайдовчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Александр Бочқарев бошлиқ этиб тайинланди. Киров район Советининг депутати бўлган бу ҳайдовчи узоқ йиллардан бери ўзининг самарали хизматлари билан корхона ютуғига муносиб улуш қўшиб келмоқда. У ўз ташаббуси билан илғор маршрут бригадирлигини топширнб, янги маршрутда ишлаш ташаббусн билан чиқди.

Коллективнинг фахри бўлган Александр Бочқаревнинг таржимаи ҳоли оддийгина. У ўнинчи синфни тамомлаб шоферлик курсини битирди. Кейин тўғри ўзи ишлаётган корхонага ишга қабул қилинди. Мана ўн икки йилдирки, автобус бошқариб келмоқда. Халқимизнинг узоғини яқин қилиш йўлида самарали меҳнат қилаётган бу моҳир ҳайдовчига, барча автотранспорт ходимларига: «Йўлингиз ҳамиша бехатар бўлсин», деймиз.

СУРАТДА: илғор ҳайдовчи А. Бочкарев.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетн навбатдаги мажлисида 1987 йилнинг январь—сентябрь ойларида шаҳар хўжалигини иқтисодий ва социал ривожлантириш плани ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш якунлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Шу нарса таъкидландики, шаҳар меҳнат коллективлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мусобақага қўшилиб, 1987 йилнинг тўққиз ойлик якунлари бўйича план ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришда муайян ютуқларга эришдилар.

Шаҳар саноати товар маҳсулоти ишлаб чиқариш тўққиз ойлик планини 100,1 процент бажарди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 101,7 процентни ташкил этди. Планга қўшимча 3,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги бўйича план бажарилди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 101,3 процентни ташкил этди. Турар жойларни фойдаланишга топшириш плани 100,2 процент, мактабларни — 100 процент, касалхоналарни — 105 процент, поликлиникаларни фойдаланишга топшириш плани эса 115,5 процент бажарилди. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳолига маиший хизмат реализацияси бўйича тўққиз ойлик планни 101,4 процент бажарди.

Шу билан бир қаторда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шуни таъкидладики, бир қатор корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари фаолиятида бошланган қайта қуриш ҳали сезиларли натижалар бермаётир.

48 та корхона ёки буюртмаларни етказиб бериш бўйича ҳисоб берган ҳар уч корхонадан бири қабул қилинган шартнома мажбуриятини бажармади. Умуман шаҳар бўйича буюртмаларни етказиб бериш мажбуриятини ҳисобга олган ҳолда реализация плани 96,1 процент адо этилди. Айниқса Фрунзе (92,2 процент), Ленин (93,7 процент) ва Собир Раҳимов (94,2 процент) районларида буюртмаларни етказиб бериш интизоми оғир аҳволдадир. 27 та корхона товар маҳсулоти ишлаб чиқариш планини уддалай олмади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш плани 97 процент адо этилди.

Аввалгидек, капитал қурилишда аҳвол оғир: асосий фондларни ишга тушириш плани бор-йўғи 84 процент, капитал маблағлар—90 процент, қурилиш-монтаж ишлари плани 91 процент ўринлатилган, холос.

Ижроия комитет Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосарларига бир ҳафта муддат ичида қолоқлик сабабларини таҳлил этишни, тасдиқланган план ва социалистик мажбуриятларни барбод этишга йўл қўйган бош бошқармалар, бошқармалар, трестлар, бирлашмалар ўрта звено раҳбарларини интизомий жавобгарликка тортишни, йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини ҳеч сўзсиз қоплаш бўйича таъсирчан чораларн кўришни топширди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шу йилнинг тўққиз ойи ичида план топшириқлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни адо этиш бўйича Ленин, Собир Раҳимов, Куйбишев ва Фрунзе район халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг ишини қониқарсиз деб топди, район Советлари ижроия комитетларининг раислари зиммасига бир ҳафта муддат ичида планларни барбод қилишга йўл қўйган корхоналар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги масаласини, қолоқлик ўрнини тўлдириш ни таъминлаш ва 1987 йил топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини ҳеч сўзсиз бажариш масалаларини кўриб чиқишни топширди.

Шунингдек, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва турар жой объектларининг ситиш мавсумига шайлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ижроия комитетнинг мажлисида қабул қилинган қарор тексти баёни эълон қилинади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг интизом, тартиб ва турар жойларда граждалар уюшқоқлигини мустаҳкамлашда жамоат ташкилотларининг активлигини кучайтириш ва ролини ошириш юзасидан қарори район ижроия комитетлари томонидан қандай бажарилаётганлиги муҳокама этилди.

Акмал Икромов, Октябрь, Собир Раҳимов, Фрунзе районларида маҳалла комитетлари тўплаган муайян ижобий тажрибалар қайд этилди. Кўнгилли халқ дружиналари, тартибни муҳофаза этиш жамоатчилик пунктлари, ўртоқлик судлари, кўнгилли ўт ўчириш дружиналари ишлари бир мунча яхшиланди. Хотин-қизлар советлари, ота-оналар комитетлари, уруш ва меҳнат ветеранлари советлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг ишлари активлашмоқда.

Шу билан бирга, айрим район ижроия комитетлари бу ишда мавжуд бўлган нуқсонларга барҳам беришга етарлича эътибор бермаётирлар. Киров ва Собир Раҳимов район Советлари ижроия комитетларининг ҳанузгача ўз мажлисларида кўрсатиб ўтилган қарорнинг бажарилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқмаганлар.

Район Советларининг ижроия комитетлари жамоат ташкилотлари учун хоналар ажратиш масаласини ҳал этишдан ҳамон ўзларини олиб қочишяпти. Текшириш шуни кўрсатдики, Куйбишев районидаги 30 та маҳалла комитетидан бор-йўғи ўнтасигина ўз хонасига эга. Ҳамза районининг 14, 63, 75, 95-уй-жой бошқармалари қошидаги жамоатчи уй комитетлари ишлаши учун нормал шарт-шароитлар яратиб берилмаган, Акмал Икромов районидаги тўққизта жамоат тартибини муҳофаза қилиш жамоат пунктидан саккизтаси капитал ремонт қилишга муҳтождир.

Киров, Куйбишев, Ленин, Чилонзор район Советларининг ижроия комитетлари кўнгилли халқ дружиналари район штабларининг ишини бўш назорат қилмоқдалар.

Киров, Ленин, Ҳамза, Сергели район Советлари ижроия комитетларининг турар жойлар бўйича балогатга етмаганлар ўртасида тартиб бузилишининг олдини олиш юзасидан олиб бораётган ишларини жиддий суратда яхшилаш талаб этилади. Район Советларининг ижроия комитетлари совет қонунларини гражданларга тушунтиришга етарлича аҳамият беришмаяпти.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси, юстиция бўлимига кўнгилли халқ дружиналари, тартибни муҳофаза этиш аҳоли пунктлари, ўртоқлик судларига ташкилий-методик ёрдамни кучайтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш юзасидан уларнинг ишларини янада аниқроқ координация қилишни таъминлаш таклиф этилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ўз мажлисларида кўрсатиб ўтилган қарор бажарилишининг бориши тўғрисидаги масалани кўриб чиқмаган Киров ва Собир Раҳимов район Советлари ижроия комитетларининг интизомсизлигини қайд этди. Шаҳарнинг район Советлари ижроия комитетлари зиммасига кенг меҳнаткаш оммани давлат аппаратининг кундалик ишларига жалб этишнинг муҳим формаси бўлган аҳоли жамоат ташкилотлари активлигини ошириш учун зарур қўшимча чора-тадбирлар кўришни, ҳар бир жамоат ташкилоти район ҳаётининг амалий масалаларини ҳал этишда советларнинг энг яқин ёрдамчиси бўлишига қатъият билан эришиш вазифасини юклади.

Мажлисда бошқа бир қатор масалалар кўриб чиқилди, улар юзасидан ижроия комитетнинг тегишли қарорлари қабул қилинди

Коммунист ва беш йиллик

Мусобақа асосида

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленумида қурувчилар олдига қурилиш-монтаж ишларининг сифатини яхшилаш, объектларни ўз муддатида топшириш юзасидан муҳим вазифалар қўйилди. Айни чоқда улар партиямиз қарорларига амалий иш билан жавоб беришга интилишяпти. Иш методларини қайта қуриб, эски усуллардан воз кечаяптилар. Бу борада, айниқса, коммунистлар етакчилик қилаётган бригадалар бошқаларга намуна бўлишмоқда.

«Главташкентстрой»нинг 6-трести 7-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи бу вазифани муваффақиятли адо этмоқда. Бошқарманинг коммунист Журъат Габдуров ва Исроилжон Панзов бошлиқ пешқадам бригадалари ҳақида ҳамиша илиқ гаплар айтилади. Улар шу кунларда Тошкент давлат медицина институти 1-клиникаси даволаш корпусларини барпо этишмоқда. Бу комплекс бригадалари ўртасида ўзаро мусобақа кенг йўлга қўйилган. Беллашувда эса коммунистлар шахсий намуна кўрсатаётирлар. Ҳикмат Қўчқоров, Виктор Кришнин, Бахтиёр Хаитов, Тўлаган Ниғматов кабилар кунлик, ойлик нормаларини 115 процентга етказиб адо этишяпти.

Клиниканинг 6-корпусида ишлаётган бригадир, КПСС аъзоси Ж. Габдуров қилинаётган ишлар, объектдаги айрим муаммолар ҳақида шундай деди:

— Кейинги ойлар ичида кўнгилдагидек ишлолмадик. Бунга асосий сабаб, материаллар вақтида етказиб берилмайди. Механизмлар билан таъминлаш ёмон аҳволда. Керакли асбоб-ускуналарнинг кўп қисми яроқсиз. Планни дўндириш учун эса сифатли материал, етарли шароит зарур. Бригадамиз комплекслаштирилгани учун зарур бўлган шароитни ўзимиз яратаяпмиз. Коллективимиздаги коммунистларнинг жонбозлиги туфайли қурувчиларимиз уюшқоқлик билан меҳнат қилишмоқда. Бунинг натижасида юзага келаётган баъзи муаммоларни енгиб ўтишимиз анча осонлашмоқда. Бизга, айниқса, бошқарма партия ташкилоти яқиндан ёрдам бермоқда.

Шу кунларда бу қурувчилар юксак кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишмоқда. Улар ҳозиргача 1 миллион 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини сифатли амалга оширдилар. Бунда тажрибали бригадир Журъат ака Габдуровнинг ҳиссаси катта. У кўп йиллардан бери шу коллективда меҳнат қилади. Ўнлаб моҳир қурувчилар ундан касб сирларини ўрганган. Ёшларнинг севимли мураббийси.

— Бинокорликда ишнинг суръати коллективнинг кайфиятига боғлиқ, — дейди Ж. Габдуров бошлиқ бригаданинг мусобақадоши И. Панзов. — Бундан тўрт йил аввал бир пайвандчимиз қурилишдан кетмоқчи бўлди. Сабабини сурштирдик. «Автокорхонага ишга ўтаман» деди у. Бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, унга кўмаклашдик. Кўп йиллардан бери қурилиш майдонларида тер тўкаётганлар бинокорликнинг нозик томонларини ўргатишди. Шу бўлдию, у бригададан кетмади. Ўшандан бери илғорлар қаторидан тушмайди. Бригадамизни жипслаштиришда, қўнимсизликни қисқартириб, иш унумини оширишимизда коммунистларнинг берган маслаҳатлари катта фойда келтирди. Ҳозир партия комитетининг вакиллари объектимизда тез-тез бўлиб туришади. Амалий маслаҳатлари билан ишимизга кўмаклашишади.

Икки мусобақадош коллектив яқинлашиб келаётган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш мақсадида тер тўкмоқда. Шу кунларда пешқадам коммунистлар ҳузурида бўлган киши ўз ваъдаларини, албатта, бажаришларига ишонч ҳосил қилади.

Х. САИДОВ,
ТошДУ студенти.

Муҳим эътибор

Тошкент тўқимачилик комбинати касаба союз комитети социал масалаларга катта эътибор бермоқда. Шуни назарда тутиб ёшларнинг турмуш тарзини яхшилаш ва уларнинг маданий-маърокли дам олишларини таъминлаш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз.

Комбинатимиз ишчиларининг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил этади. Улар ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида мураббийлар билан ёнмаён ишлашяпти. Корхонамиз ютуғига самарали ҳисса қўшмоқдалар. Бир неча йилдирки, корхонамиз қошида махсус ҳунар-техника билим юрти фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу даргоҳ асосан комбинатимиз учун ёш малакали мутахассисларни тайёрлаб беради. Ўрта мактабни битириб келган йигит-қизлар дастлаб шу ерда касб сирларини ўрганишади. Ўқувчиларнинг бўш вақтлари асосан корхонада ишлаб чиқариш жараёнида ўтади. Улар мураббий ишчилар меҳнатидан ибрат олишади. Илғор тажрибаларни қунт билан ўрганишади.

Комбинатимиз маъмурияти ёшларнинг билимларини мустаҳкам ошириш ишига жиддий ёндошиб келмоқда. Меҳнатда илғор, ўз касбини пухта ўзлаштириб олган йигит ва қизлардан бир группаси ҳар йили корхона тавсияси билан Тошкент тўқимачилик институтига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга юборилади.

Корхонамиз касаба союз комитети ёшларнинг унумли дам олишлари учун ҳам доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бунинг учун комбинат Маданият саройида бир қанча тўгараклар ташкил этилган. Жумладан бичиш-тикиш, драма, ашула ва рақс тўгаракларининг фаолиятини айтиб ўтиш кифоя. Бу тўгаракларда минглаб йигит-қизлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишиб ўз истеъдодларини синаб кўришяпти.

Меҳнат аҳлини ишга самарали жалб этиш омилларидан бири социалистик мусобақани тўғри ташкил этишдир. Шуни ҳисобга олиб биз ўзаро беллашувга кенг ўрин беряпмиз. Айни шу кунларда бригада ва цехлараро Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган социалистик мусобақа тобора қулоч ёйиб бормоқда. Ҳар ойда мусобақа якунлари чиқарилиб голибларга пул мукофотлари ёки санаторий ва дам олиш уйларига бепул путёвкалар берилади.

Йил бошидан бери мусобақа илғорларидан 323 киши турли санаторийларда дам олиб қайтишди. 99 ишчи эса дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарди. 240 ишчи туристик саёҳатда бўлиб қайтишди. Улардан 21 киши эса бу сафарларда оиласи билан бирга бўлди.

КПСС Программасида кексаларга ғамхўрлик ҳақида алоҳида уқтирилган. Шуни назарда тутиб комбинат касаба союз комитети корхонада ёшлар билан бир сафда меҳнат қилаётган меҳнат ва уруш ветеранларига алоҳида ғамхўрдик кўрсатиб келмоқда. Шу йил улардан бир нечтаси касаба союз йўлланмаси билан Иттифоқимизнинг турли дам олиш масканларида бўлиб мароқли дам олишди ва соғлиқларини тиклаб қайтишди. Улар орасида П. Вожан, Г. Қорабоев, Б. Ёқубовлар бор. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан 16 киши путёвкалар билан таъминланди.

Олдимизда катта тантана — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик байрамини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олишдек муҳим вазифа турибди. Ҳозир корхонамиз ишчиларининг бутун диққат-эътибори ана шу байрамни ёруғ юз билан кутиб олишга қаратилган.

Т. БИХНО,
Тошкент тўқимачилик комбинати касаба союз комитетининг раиси.

Оқшомингиз файзли бўлсин!

Сўнмас у кунлар шуҳрат

ДОВЮРАК



Шундай кишилар бўладики, улар энг оғир дамларда донмо олдинги сафда бўладилар, ўзига хос жасорат кўрсатадилар. Халқимиз бундай кишиларни ардоқлаб довюрак дейди. Расулмат ака Нуруллаев ҳам ана шундай довюрак инсонлардан бири. Унинг бутун умри эл, Ватан хизматида ўтди...

Расулмат ака Нуруллаев она-Ватанимизни фашизм вабосидан қутқаришга, она-Ватанни ҳимоя қилишга, буюк Ғалабани яқинлаштиришга ўз ҳиссасини қўшган собиқ жангчилардан биридир. У уруш бошланганда Урал ҳарбий округида йигитлик бурчини ўтаётган эди. Ҳарбий маҳорати ошган округ жангчилари ҳам биринчилар қатори жангга отландилар. Расулмат ака ҳам дастлабки жангни Латвия билан Калинин областининг чегара шаҳри — Себашда, 1941 йилнинг июнь ойи охирида бошлади. 1941 йилнинг охирига келиб у 3-зарбдор армиянинг 33-ўқчи дивизиясида саралланган кадрлардан иборат разведка ротасида хизмат қила бошлади. Бу рота қисқа давр ичида душман орқасида 50 га яқин разведкада бўлиб, душман армиясининг қўшинлари, ҳарбий техникаси, ҳарбий режалари тўғрисидаги қимматли маълумотларни, шу билан бирга бир неча «тил»-ни ҳам келтирди. Расулмат ака ҳар гал совет жангчисига хос мардлик ва жасорат кўрсатди, ротадошларига намуна бўлди. Унинг Ватан олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. Ўша пайтда унинг кўкрагини Александр Невский, II даражали Ватан уруши орденлари ва «Жасурлиги учун» медали безаб турарди. Шундан сўнг Расулмат Нуруллаев Ватанимизни немис-фашистлардан озод этишда турли фронтларда жанг қилди. У Эстония ва Латвия республикаларининг қишлоқ ва шаҳарларини душмандан тозалашда иштирок этди. Рига остоналарида бўлган жангларда эса жангчи Нуруллаев бир неча марта қаттиқ яраланди. У узоқ вақт госпиталда даволаниб, ниҳоят Тошкент шаҳрига қайтди. Тошкентга қайтганда ҳам ғалаба билан қайтди. Лекин акалари Аширмат ва Мадихонлар, укаси Худойберган немис-фашистлар билан бўлган қақшатғич жангларда қурбон бўлдилар. Унинг ўзи бир кўлидан жудо бўлиб қайтган бўлсада, она-юрт ва халқ бахт-саодати йўлида ҳормай-толмай ишлашни давом эттирди. Расулмат ака аввал Тошкент шаҳар партия комитетида инструктор, сўнгра Киров район партия комитети секретари, Киров район Совети ижроия комитетининг раиси вазифаларида ишлади ва ўша йилларнинг ҳақиқий коммунистига хос принципиаллик, ҳалоллик, фаоллик кўрсатди. У партия қаерга, қайси лавозимга қўймасин ўша ерда жонбозлик кўрсатди. 1966 йилдаги табиий офат Тошкентга катта зарар келтирди. У энди «Главташкентстрой»га қарашли қурилиш бошқармаларида ҳалол тер тўкиб, янги Тошкентни бунёд этишга, уни қайта тиклашга ўз ҳиссасини қўшди. Унинг кўксини «Тошкент бинокори» деган нишон, «Ҳурмат Белгиси» ордени, «Шонли меҳнати учун» ва бошқа қатор медаллар безади.

Ҳақиқий коммунист, Ватан уруши инвалиди, республика аҳамиятдаги пенсионер Расулмат ака бугунги кунда даврининг энг бахтли кишиларидан бири. Коммунистга хос ҳалол, ҳалол меҳнати туфайли уни халқимиз улуғлайди. Расулмат ота беш фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Улар халқ хўжалигининг турли жабҳаларида, ота каби ҳалол меҳнат қилиб келмоқдалар.

Бугун Расулмат ота Нуруллаевнинг уйида катта-кичик диёна. Уни қутлуғ кунлар билан муборакбод этишга Иттифоқимизнинг турли ҳудудларидан фронтдошлари, ёру-биродарлари, шогирд ва ҳамкасблари ҳам ўзларининг самимий табригларини йўллаганлар. Суюкли фарзанд, ёйилларни бошидан кечирган ота-она эл учун, Ватан учун фидо этган Расулмат ака Нуруллаевнинг муборак ёши билан бирга ҳам қизғин қутлаймиз.

А. ФАТТОХОВ,
жамоатчи мухбиримиз.

Яхши кайфият ижодкори

Меҳнаткашларнинг кўнгилдагидек дам олишлари маданият ва истироҳат боғлари билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда пойтахт боғларининг деярли барчасида Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейига бағишланган турли хил маданий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир касбнинг ўз фидойиси бўлганидек, халққа хизмат кўрсатувчи бу маскан иши ҳам ана шундай кишилар меҳнати билан гўзал.

Амбарсим Сергеевич Огановнинг Э. Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғига ишга келганига мана 35 йилдан ошибди. Шу давр ичида бу боғ беқиёс ўзгарди, дам олувчиларнинг энг гавжум жойларидан бирига айланди. Албатта бу, коллективнинг шижоатли меҳнати, изланишлари самараси бўлди. Чунки яқингача истироҳат боғларимиз савияли ҳордиқ чиқариш даражасида эмас эди.

Бунинг учун мамлакатимизнинг марказий шаҳарлари боғларидан андоза олиниб, ишлар қайта ташкил қилинди. Амбарсим Сергеевич шу масканнинг раҳбари сифатида уларни тезроқ бажарилишида бош-қош бўлди. Ўз касбининг билимдони бўлгани учун ҳам бугунги кунда маданият системаси ходимлари орасида ҳурмат билан тилга олишади.

Жонкуяр раҳбар бутун билим ва тажрибасини шонли санага аталган ҳар бир тадбирни юксак ғоявий-бадиий савияда ўтказишга интилаяпти. Энг асосийси, у кишиларга маданий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳар бир ишни, баъзан у кичик бўлса-да, муҳимлигини қалбдан ҳис қилишга одатланган. Чунки бу соҳада ҳамма нарса ўзига хос тарбиявий аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам боғда дам олувчилар учун барча қулайликлар: жумладан кино ва концерт заллари, болалар учун қўғирчоқ театри студияси, ўйин майдончалари, катталар учун чойхоналар муҳайё. Атроф эса яшнаётган ранг-баранг гуллар ва фавворалардан сўлим сайлгоҳга айланган.

А. Оганов талабчан раҳбар бўлиши билан бирга, меҳрибон мураббий ҳамдир. Унинг шогирдларидан Вера Петрова, Михаил Кулюков, Римма Сидоровалар коллективда уюштирилган социалистик мусобақаларда актив қатнашиб, шу богда 25—30 йилдан буён меҳнат қилишмоқда.

Амбарсим Сергеевич пенсия ёшида бўлса-да, ўз касбига катта меҳр билан яшаяпти. Партия ва меҳнат ветеранининг бу соҳадаги ҳалол хизматлари муносиб тақдирланди. У кўпгина медаль ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони сохиби бўлди. Унинг юбилей арафасидаги нияти битта — у ҳам бўлса боққа ташриф буюрувчи минг-минглаб дам олувчиларнинг кайфиятига яхши кайфият қўшишдир.

Б. ҚУДРАТОВ.

Анҳор суви

Қатра

Офтобга тиғали йўлда иссиқдан бошим лақиллаб, лоҳасландим. Анҳор шабадасига — роҳатга урдим ўзимни. Анҳор ёнидаги дарахтлар орасидан тушаётган офтоб нурлари сув юзида жимирлайди. Қалдирғочлар сув юзига тўшларини бир-бир суйкаб, чарх уриб учишади.

Чанқовлигим бу манзараларни яхши кайфият билан идрок этишга ғов — элкнинг ёпишган гард юқасидай халақит беради. Дарвоқе, бу сувнинг ҳам боши тоғлардан бошланган-ку.

Чанқовман-де, тўлқинлар жилваси ҳам менга ором бермас. Ивир-шивири таъна тошларимга мунгли оҳанг жавоб бўлиб қайтарди: «Мен сира-сира шуни кутмагандим. Инсон умрига умр қўшай деб, тоғлардан шердек отилиб, тошлардан-тошларга урилдим. Чиниқдим йўлларда. Беғубор ўйларимни тушунмаганлар, беғубор тотимнинг қадрига етмаганлар эса қарғадек аланглаб, ифлосларини бағримга яширишади. Дилларининг нопоклигини яширган кўк пардаман, гўё. Не қилай, яхшими, ёмонми инсон, измидаман. Бўлмасам, бугдойзорга тушган қорамуғдек битта-яримта нопокнинг эски тоғораси-ю, чиркиндиларини бағримдан чиқариб, ўзининг башарасига отардим.

Тоза шифолигимни йўқотган, мингларнинг ризқини қирқувчи табиат ва инсон оғусисан, дердим. Биламан, менга қараб чанқовликдан қилган таъналаринг шуларнинг шаънига.

Яхшиямки, дардимни ср, меҳнат олади. Экинзор, мевазорларга сингиб қутга айланаман».

Сув яна менга: шифолигимни бузган эгри қўлларни қайиринг. Тоғлардан ошиб далаларга етгунимча самовар ва қозонхонангизда шодланиб қайнай, йўлларимда йўловчиларнинг чанқовини босай, дегандек тўлқинланиб оқади.

Ғани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон.



«Тошкентнинг бахтли ёшлари». Н. Муҳаммаджонов фотоэтюди.

Ҳикматли гап

Она Ватан мадҳи

⊙ Она Ватанга муҳаббат ҳеч қачон эскирмайди.
⊙ Она юртим— олтин бешигим.
⊙ Ватанни севган бахт топади.
⊙ Она Ватанни қанча кўп ўргансанг, оламни шунча яхши тушунасан.
⊙ Элга хизмат қилганни эл сийлайди.
⊙ Ватанга садоқат — мангу саодат.
⊙ Она юртда гулнинг ҳусни, кўлнинг жамоли бор.
⊙ Ватанни кезган — элни билади.
⊙ Ватанга хизмат қилган етук инсон бўлади.
⊙ Ноз-неъматлар бериб, ҳаёт бағишлаган она-Ерни севинг!
⊙ Она Ватанни куйлаган юракда ғурур бўлмайди.

Инсонийлик нима?

⊙ Вафодорлик — инсонга доим бахт эшигини очади.
⊙ Ҳалол одам — асил одам.
⊙ Ширин сўз — дуру-гавҳардан қиммат.
⊙ Сахийлик, мардлик, пок диллик —шу уч фазилат инсонни улуғлайди.
⊙ Чин инсон бўлсанг яхшиликни қўлдан берма!
⊙ Нафсини тийган иззат топади.
⊙ Яхшилик саодат белгиси,
⊙ Ёмонлик офат белгиси.
⊙ Тилнинг суяги йўқ, уни тиш ортида тут.
⊙ Яхшилик қилиш мангу йўлдошинг бўлсин.

Рубоий:
Яхши сўзла, яхши ўйла, яхши юр,
Яхшилик қил, яхшиликда давр сур.
Одамларни ўзинг билан тенг билиб,
Манманликдан, ёмонликдан юзинг бур!

⊙ Дунё яхшилар билан обод, ёмонлардан чеккани фарёд!
⊙ Сабр-тоқатли одамнинг қалби, дунёси покиза бўлади.

Хикоят: Бир донодан сўрашди:
— Ҳаётда тўғри, пок ва ҳалол яшашнинг омили нима?
Доно жавоб берди:
— Нафсини тийган одам тўғри ва Бировнинг ҳақига хиёнат қилмайдиган пок бўлади. Меҳнат билан топган-тутган бор-йўғига сабр-қаноат қилиб яшаган ҳалол бўлади.

Байт:
Ҳаётда поксан, беғуборсан — жаннатдасан.
Ҳар жойда эркин, сўз айтувда тўғри бўлгувчи.

Абдураҳим УМАРОВ,
шифокор.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ПРАГА. Чехословакия пойтахти тўққизинчи марта «Интерталант-87» халқаро оммавий музика фестивали ўтказилаётган жой бўлиб қолди. Унда дунёдаги кўпгина мамлакатлардан, шу жумладан СССРдан келган ўнлаб ёш ижрочилар қатнашадилар.

Праганинг машҳур «Люцерне» концерт залида сешанба куни кечқурун машҳур француз қўшиқчиси Мирей Матье ғанъанага кўра фестиваль олдидан алоҳида программада концерт берди. Фестивалда «овоз ҳуқуқи» берилган таниқли меҳмонлар орасида Карел Готт, Гелена Водрачкова ҳам бор.

● БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтининг темирйўлчилари мамлакат пўлат магистралларининг ходимларига «Меҳнат вахталари — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига» деган даъват билан мурожаат қилдилар. Улуғ Октябрь байрамигача жамоатчилик асосида вагонлар составини, ўнлаб километр темирйўлни ремонтдан чиқариш мажбуриятини олдилар.

● ПЕКИН. Яқин орада музика асарлари, пьесалар, тарихий шахслар ва машҳур кишилар овозларининг ёзувлари, классик кино ва телефильмлар, ҳужжатли лентлар Хитойнинг овозли ва видеоэнциклопедиясига киритиладики, Шанхай мутахассислари ҳозир ана шундай энциклопедияни тузишга киришдилар.

Шаҳарда бир неча ўн минг магнитофон ёзувлари ва видеомагнитофон ёзувлари, шу жумладан йигирманчи йилларнинг катта маданий ва тарихий қимматга эга бўлган асарлари тўпланган. Бундай ўзига хос энциклопедиянинг яратилиши катта аҳамиятга эга дейишмоқда мутахассислар.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

ДЕҲЛИ. Бу ерда СССР ва Ҳиндистон граждан авиацияси министрликлари ўртасида битим имзолаш маросими бўлди. Ҳиндистоннинг «Индиан эйрлайнз» давлат авиакомпанияси самолётлари тез орада Деҳли-Тошкент-Деҳли янги маршрути бўйлаб пассажир коммерция рейсларини бошлайди.

Битим Ҳиндистоннинг бошқа —«Эйр Индиа» компаниясига ИЛ-62 турбореактив авиалайнерларини ижарага беришни ҳам кўзда тутади.

ТУРКИЯДА НАШР ЭТИЛДИ

АНҚАРА. «Билим ва санъат» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида қилган докладини турк тилида кўп нусхада нашр этди. Ана шу китобчага ёзилган сўзбошида бундай дейилади: «М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети январь Пленумида «Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида» қилган докладининг нашр этилиши билан биз ҳозир биринчи социализм мамлакатида содир бўлаётган ўзгаришларни дастлабки манбалар асосида мамлакатимизда муҳокама қилиш имкониятини берамиз, деган умиддамиз. Бутун жаҳон Совет Иттифоқидаги жараёнларни, совет кишисига яхшироқ келажакни таъминлайдиган янгиланишни ҳозир зўр эътибор билан кузатиб турибди».

Объективда — Италия



Италиянинг шимолида жойлашган Генуя Ўрта Ер денгизидаги энг йирик порт шаҳарлардан биридир.

СУРАТДА: Феодор Полетаев номидаги кўчада. Италия халқи Совет Армиясининг солдати Ф. Полетаевнинг номини ҳурмат билан тилга олади. У жангларда кўрсатган жасоратн ва қаҳрамонлиги учун ҳалок бўлганидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони, шунингдек, Италия республикасининг энг олий ҳарбий мукофоти — ҳарбий жасорати олтин медали билан ҳам тақдирланган.

Е. Куницин фотоси. ТАСС.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Инглиз олимлари Стефан Фристон ва Лоуренс Рамсейнинг тадқиқотларига кўра кофе ичиш ёки сигарета чекиш қон босими юқори бўлган кишилар учун хавфли экан. Улар бир неча йил мобайнида беморларни кузатиш натижасида тўплаган кўпгина материалларига асосланадилар. Мутахассисларнинг фикрига қараганда бир кунда 20 дона сигарет чекиш ёки икки стакан кофе ичиш қон босими бор кишилар учун хавфли доза ҳисобланади.

ЭНГ КАТТА СУВ ОСТИ КЕМАСИ

Жаҳон граждан флотн тарихида энг катта сув ос-

Калейдоскоп

тн кемаси ўтган ҳафта Марсель портидан йўлга чиқди. Кеманинг эгаси — Франция денгизларни тадқиқ этиш ва эксплуатация институтидир. Кема сус моторлар ва роботлар билан жиҳозланган сув ости кемаси 600 метргача чуқурликда тадқиқотлар олиб бориши мумкин. Кема бир вақтнинг ўзида ҳам сув сатҳига кўтарилиб, ҳам май қарийб 280 километр масофага сузиши, узлуксиз 8 сутка мобайнида сув ости тадқиқотлар олиб бориши ва яна базасига қайтиб келиши мумкин.

ШАНБА ОҚШОМИ

Саодат калити

«Шоир» сўзи. «Шоир» сўзининг луғавий маъноси туйғучи бўлиб, урфий маъноси шеърчидир. «Шеър»нинг луғавий маъноси «туйғу» бўлиб, урфда асосан ҳиссиёт ва қисман тафаккур, қисқача қилиб айтганда, завқ натижасида вужудга келган бадиий сўзларни билдиради. Аммо шоир сўзи ўзининг билдирмиши нуқтаи назаридан теран мазмунга эга бўлиб, мақсус фазилатга эга бўлган кишини билдиради. Бундай киши биринчи навбатда инсон даражасига эришишга ҳаракат қилиши шарт. Бу фақат шоирга эмас, ҳамма учун керак. Лекин бу бўлмаса, шоирликнинг пойдевори, содда қилиб айтганда, таги бўш бўлади. Пойдеворни бўш иморат тез емирилганидек, инсоний асоси суст бўлган шоирнинг шеъри ҳам, ўзи ҳам тез шикаст ейди.

Китобхонларимизда «Биз инсон боласи бўлсак, инсон даражасида эмасмизми, яна кўтарилишимиз керак бўлган қандай инсоний даража бор», деган савол туғилиши мумкин. Бу саволнинг жавоби шундай:

Коинотдаги мавжудотга уларнинг ташқи ҳаракати — ҳаракатсизлиги нуқтаи назаридан қарасак, тош, тупроқ, олтин, олмос каби жисмларда на ўсиш, на ҳис ва на ақл бор. Чунки мазкур жисмларни экиб ўстириб бўлмайди. Улардаги катта бўлиш жараёни ўсиш ҳисобига эмас, қўшилиш ҳисобига бўлади.

Ўсиш ўсувчи жисмнинг, яъни ўсимликнинг ўзга моддаларни ўзлаштириб, ўз моддасига айлантиришидан иборат. Масалан, олмани олсак, олма дарахти ҳам, унинг гули ҳам, меваси ҳам тупроқда мавжуд бўлган, лекин на дарахт, на гул ва на олма меваси шаклида бўлмаган моддаларни қўшиш нури таъсирида ўзлаштириб, қайта ишлаши натижасида пайдо бўладиган жисмдир.

Агар ўсимликни олсак, унда ўсиш бор, лекин сезги ва ихтиёрий ҳаракат ҳамда ақл йўқ. Масалан, дарахтни кессангиз у оғриқ сезмайди ва ўзича бир ердан иккинчи ерга бормайди.

Агар ҳайвонни олсак, унда сезги ва ихтиёрий ҳаракат бор, лекин ақл йўқ.

Инсонда эса ҳам сезги ва ихтиёрий ҳаракат, ҳам ақл мавжуд.

Шундай қилиб, инсонда бошқа жонсиз, ўсувчи ва жонли мавжудотга хос ҳамма хусусиятлар бор ва шу билан бирга уларнинг ҳаммасида йўқ бўлган ақл ва яна нутқ ҳам бор.

Мана шунга биноан ҳар бир кишининг икки жиҳати бор. Бири унинг ҳайвон билан муштарак томони, иккинчиси инсоний жиҳати. Киши онадан етук инсон бўлиб туғилмайди, лекин етуклик истеъдоди ҳаммада бўлади.

Чақалоқда ақл ишга тушмагани учун унда кишининг инсоний жиҳати жуда кучсиз бўлади, эси киргандан кейин эса унинг инсоний томони дастлаб тақлид йўли билан, кейинчалик ибрат олиб онгли равишда ўрганиш ва ўз ақлини ишлатиш билан ривожланади.

Мана шунинг учун саодатга эришаман деган ҳар бир бола ўзининг инсоний жиҳатини ривожлантиришга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун нима қилиш керак?

Бунинг учун киши ёмон хислатларни яхшилари билан алмаштириши лозим.

Биринчидан, иччораликни йўқотиб, оқкўнгил бўлиши, яъни ёвуз ният ва ёмон фикрларни эсга ҳам келтирмайдиган бўлиб, фақат эзгу ният ва амал билан ўзини машғул қилиши зарур.

Иккинчидан, кўролмасликни кўнгилдан бутунлай чиқариб, унинг ўрнига ҳайрихоҳликни мустаҳкам қилиб ўрнатиш керак. Ўзгаларнинг муваффақиятига сидқидилдан хурсанд бўлиши лозим.

Учинчидан, очкўзликдан тамоман қутулиб, кўзи тўқликни одат қилиши шарт. Табиат ва жамият неъматларидан фойдаланганда ўзгаларни, ҳатто келгуси авлодларни ҳам ҳисобга олиши керак.

Тўртинчидан, ўзини ёки наслу насабини ўзгалардан устун деб билмаслиги лозим. Чунки ҳар қандай киши туғилишидан тортиб то дафн қилингунга қадар ўзгаларга муҳтож, унинг ҳаёти ўнлаб эмас миллионлаб кишига боғлиқ.

Бешинчидан, сурбетлик, уятсизликни ҳаё билан алмаштириши шарт. Ўзидан катталарни ҳурмат, кичикларга шафқат қилиши керак.

Олтинчидан, бутун аъзосини пок тутиши, жумладан кўзи пок, қулоғи пок, луқмаси пок, сўзи пок бўлиши шарт. Кўз поклиги қараш керак бўлмаган нарсаларга қарамаслик, қулоқ поклиги эшитиш керак бўлмаган гапларни, жумладан ғийбатни эшитмаслик, луқма поклиги ўзгаларнинг тегиши бўлган, манъ қилинган ва зарарли бўлган нарсаларни еб-ичмаслик, сўз поклиги беадаб сўзларни тилга олмасликдир.

Еттинчидан, дангасалик, танбаллик ва эринчоқликни вужудидан қочириб, ўзини меҳнатсеварликка ўргатиши ва меҳнатдан роҳат оладиган даражага етиши лозим. «Эринчоқлик бошга бало келтирар» деган мақолнинг мазмунини англамаган, меҳнатнинг жисмоний ва руҳий саломатлик ҳамда моддий фаровонлик учун энг зарур нарса эканлигини билмаган ёшлар меҳнатдан қочиб, ўзларига ўзлари жабр қиладилар.

Саккизинчидан, бесабрлик, тўзимсизликдан қутилиб, ўзни сабр қилишга ва бардошли бўлишга ўргатиш шарт. Халқимиз «Сабр қилсанг тўрдаги ҳалво битар, сабрсизлар ўз оёғидан йитар», дейди.

Тўққизинчидан, ортиқча талаблар ўрнини қаноат билан тўлдириш лозим. Қаноатли киши азиз бўлади, деган башоратли сўз бор.

Ўнинчидан, иложи борича кўпроқ ҳунар ўрганиб, илм олиш керак. «Ҳунари йўқ кишининг мазаси йўқ ишининг», «Ҳунар ҳунардан унар», «Олим бўлсанг олам сеники» деган мақоллар бекорга вужудга келган эмас. Келажакда ким бўлишидан қатъий назар, ҳамма учун зарур бўлган инсоний хислатларнинг асосийлари шулардан иборат. Бу хислатларга эга бўлган киши саодат эгаси бўлади.

Алибек РУСТАМОВ,
профессор.

Ижодкорнинг дил сўзлари

ҚАДР

Шоир нима учун ва кимлар учун яшайди? Унинг шеър ёзишдан муддаоси нима? Бугунги кунда ҳаммага маълум бўлиб қолди: гулни, юлдузни, шабнамни шарафлаб шеърлар ёзиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шоир биринчи навбатда граждан бўлмоғи керак, ҳақиқий гражданлик эса шеъриятнинг бошқалар эгаллай олмаган чўққиларини забт этишга имкон яратади. Маяковский мукофоти лауреати шоир Усмон Азимов шеъриятимизнинг граждан шоирларидан. Шунинг учун ҳам унинг яқиндагина нашрдан чиққан китоби «Иккинчи апрель» деб аталади. Иккинчи апрель — бу ёлғонлар даври битиб Ҳақ ва Адолат замони келганлигига тимсол. Бугунги суҳбатимиз эса шоирнинг амалга ошириб бўлган ишлари эмас, балки орзулари, шаҳримиз ҳаёти, тақдири билан боғлиқ орзулари ҳақда бўлишини истадик.

— Орзулар. Мен нималарни орзу қиламан?.. Шаҳардаги меҳмонхоналарнинг эшиги қўли қадоқ, қалби сахий деҳқонларга доимо очиқ бўлишини, озиб-ёзиб шаҳарга бир келганда ҳеч қандай қўнғироқсиз тўппа-тўғри бориб жойлашишини истайман. Иккинчи масала — Тошкентдан бошқа шаҳарларга қатнайдиган автобусларнинг қатнов графиги: улар 20 йил аввал қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай.

— Тарихни тилсиз, тилни эса тарихсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кўпчиликка маълум бир гап бор: ўз тарихингни билмай туриб бошқа халқлар тарихини билолмайсан. Еки ўзлигингни билмай туриб бошқани билишинг даргумон. Хуллас, гап ўзўзидан кадрлар масаласига келиб тақалмоқда. Тарихчилар, шарқшунос кадрлар...

— Яқинда академик Эркин Юсуповнинг мақоласида битта фактни ўқиб қолдим. Бу факт ҳар қандай инсонни чуқур ўйга толдиради: бизнинг шарқшунослик институтидаги қўлёзмаларни ўрганишнинг ўзига 4000 йил керак бўлар экан! Айтмоқчиманки, шарқшунос кадрлар талаб даражасида эмас. Шарқшунослик факультетига студентлар қабул қилишни демократлаштириш, қабул конкурсларини қайта кўриб чиқиш зарур. Факультетни битиргач, хорижга бориб машина ишлаб келиш иштиёқида юрганларни эмас, балки халқ фарзандлари бўлиб етишадиган ёшларни қабул қилиш керак. Масаланинг иккинчи томони бор. Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми — бу факультетга оддий ўрта мактабни битириб келганлар киролмайди. Сабаби: араб тили, форс тилини ўргатадиган мактаблар сони кам. Эски ўзбек имлосини ўқитиш, ўргатиш масаласини ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди. 30-йилларгача бўлган адабиётимиз, тарихимиз ана шу имлода қоғозга туширилганини инобатга оладиган бўлсак — ўқитиш, ўргатишнинг зиёни йўқ, бу тадбирлар халқимизнинг бугунги маданиятини юксалтириш учун ҳам ёрдам беради.

— Шоир орзуси — эл орзуси, деган нақл ҳам бор. Кўпчиликни қийнаётган, айни пайтда сизга ҳам тинчлик бермаётган масалаларга тўхталсак...

— Катта-кичик идораларда бюрократизмдек иллатнинг тезроқ тугатилишини умид қиламан. Ҳозирги қайта қуриш даврида жуда кўп идораларда бюрократликдан холи одамлар бошчилик қилаётганидан қатъий назар, эски услубда иш юритаётганларнинг борлиги, улар қоғозлар-хатлар ортида конкрет одамлар тақдирини кўришни истамаётганлари бугунги кун принципларига халал бераяпти. Бир мисол: мен ярим йилдан буён бир масала юзасидан кўп идораларга қатнайман. Катта-кичик раҳбарлар ҳузурига 40 мартадан ортиқ қатнадим. Бироқ ҳанузгача бу масала ҳал бўлгани йўқ. Энг қизиғи шундаки — ҳамма бу мушкулнинг ижобий ҳал бўлишига хайрихоҳ. Аммо калаванинг учини ҳеч ким тополмайди. Биз инсонпарварлик ҳақида кўп гапирамиз, гапирдик, гапираяпмиз, энди — кўп иш, конкрет ишларга ўтишимизга ҳам фурсат етди.

— Конкрет ишлар бугунги кунда ҳар бир соҳа учун зарур. Санъат, маданият соҳасидаги ишлар ҳам бундан мустасно эмас. Шу ўринда сизнинг таклиф-мулоҳазаларингиз...

— Яширишнинг ҳожати йўқ, шаҳримизда халқ анъаналари билан, халқ амалий санъати билан боғлиқ бўлган ишларни, санъаткорларни қўллаб-қувватлаш суст аҳволда. Яқинда «Известия» газетасида бу ҳақда ёзилди. Менинг назаримда бу соҳадаги муаммоларни бизнинг матбуот кўтариб чиқиши керак эди. Халқнинг халқлигини кўрсатиб турадиган, унинг ўзлигини намоён этадиган санъатга, халқ усталари санъатига бепарво қараш бизнинг коммунистик идеалларимизга мос тушмайди. Халқдан чиққан талантли усталарнинг ажойиб асарлари хорижий мамлакатларда довруғ қозониб, кўз-кўз қилинса-ю, ўз юртларида эса улар шу шароитларни яхшилаш ҳақида куюниб юрсалар — бундан ёмони йўқ. Вақт тез ўтади, инсон умри минг афсуски ўлчоғлик. Айниқса санъаткорлар майда-чуйда, турли ташкилий ташвишларга сарф этган вақтларини эл-юрт равнақи учун сарфлаганларида, биз санъатимизни яна бир юқорироқ поғонада кўрармидик...

— Халқ санъати, маданияти шаҳар, боғ, кўча, хиёбон, боринги кичкина ошхонага қўйилган номгача ўзини намоён қилиб турмоғи керак. Бизнинг шаҳримизда бунинг тескарисини кўриш мумкин ёки аксинчами?

— Иттифоқимиздаги кўпгина шаҳарларда, жумладан, Москва, Ленинград, Тбилиси, Ереванда шаҳар мавзеларини, кўчаларини номлашда тарихий номлардан фойдаланиш, уларни тиклаш ишлари аллақачонлар бошлаб юборилган. Бизнинг шаҳарда бу масала жуда суст олиб борилмоқда. Шаҳар кўчаларига дабдабали номлар қўйилмоқда. Ҳатто баъзи чиройли жараңлайдиган номлар ҳамон ўзгартирилмоқда. Халқимизнинг шуҳратига шуҳрат қўшган инсонлар номини абадийлаштириш суст олиб бориляпти. Масалан, Тбилиси шаҳрида ҳар бир бинога кимлар яшаганлиги тўғрисидаги лавҳалар илинган. Бизда эса бунақа кўнгилочарлик йўқ.

Яна бир масала: Марказий телевидение орқали машҳур санъаткорлар ҳақидаги кўрсатувларда бундан 30-50 йиллар олдин олинган кинолар, лавҳаларни кўриб қувонамиз. Рус халқи ўз фарзандларини нақадар сиймият билан қадрлашини кўриб ҳавас қиламиз. Бироқ, бизда... Мана, яқинда устоз адиб Абдулла Қаҳҳор туғилганлигининг 80 йиллигини нишонладик. Афсуски, юбилей кунлари Учқун Назаров ўша пайтларда тасодиф билан суратга олган икки минутлик кинолавҳадан бошқа нарсани кўрсата олмадик. Хайрият, шу ҳам бор экан. Айтишларича, телевизион ленталар жуда қиммат эмиш. Ахир бугунги кунда рўй бераётган ҳар бир воқеа, бугун яшаётган ҳар бир ҳақиқий ижодкор келажак авлодлар учун тарих-ку?! Наҳотки халқимиз маданияти, санъатининг юксак чўққилари бўлмиш маданият ва адабиётимиз намояндалари хотирасини авлодларга қолдиришдан ҳам бу ленталар қимматроқ бўлса? Ўйлайлик, шу ишга мутасадди ўртоқлар бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўришади. Менинг жуда кўп орзуларимдан айримлари ана шулардан иборат.

Суҳбатни
С. САИДОВ ва Д. ЖАЛОЛОВ
ёзиб олишди.

СУРАТДА: Усмон Азимов қизи Шодия билан.

Р. Шарипов фотоси.

Турфа олам

СУВГА ШЎНҒУВЧИ МАЙМУНЛАР

Маълумки маймунларнинг аксарияти сувдан қўрқади ва чўмилишни ёқтирмайди. Индонезиянинг Ява оролидаги маймунлар эса ҳам чўмилади, ҳам ажойиб сувга шўнғувчилар ҳисобланади: улар сув остида 30 секундгача тура оладилар.

ИНВАЛИДЛАР АРАВАЧАСИДА

Нью-Йоркда истиқомат қилувчи йигирма саккиз ёшли Ж. Паркей инвалидлар аравачасида йўл босиш бўйича янги рекорд ўрнатди. Қарийб тўрт ой мобайнида у 9 минг километр йўл босиб ўтди. Бу саёҳатнинг тарихи диққатга сазовор. Паркей Аляскадан бошлаб бутун Американи кесиб ўтаман, деб дўсти билан баҳс боғлаган эди. Баҳсда ютиб чиққани учун дўсти унга энг янги моделдаги аравачани совға қилди. Сафар мобайнида Паркей ўн тўрт жуфт қўлқопни яроқсиз ҳолга келтирди. Ана шу қўлқоплар билан йўлда у инвалидлар аравачасининг ғилдирагини айтантирган эди.

ПЛАСТИКДАН ЯСАЛГАН БОМБАЛАР

Дарахт танасидаги ғовакларни цемент ёрдамида тўлдириш техникаси бутун дунёга маълум. Аммо бу усул камчиликлардан холи эмас: дарахт ўсган сари тўлдирилган коваклнинг герметиклиги бузила боради. Унга қўшқорин замбуруғлари, зараркунандалар тушиб қолади. Ғарбий Германиянинг Ганновер шаҳри олимлари дарахт танасидаги ғовакларга «пломба» қўйишнинг пухтароқ усулини тавсия этишаяпти. Улар бундан икки йил муқаддам биринчи марта полиуретан қоришмани қўллаб кўрган эдилар. Юмшоқ пластик коваклларни узоқ муддатга пухта тўлдириш имконини бераркан.


ШЕРЛАР БИЛАН БИР ҚАФАСДА

Жанубий африкалик Майк Оостерлаак машҳур «Гиннесснинг рекордлар китоби»дан ўрин олишга муваффақ бўлди. Аммо шу билан бирга у қаттиқ невроз хасталигини ҳам орттирди. Рекорд шундан иборат бўлдики, у шерлар билан бир қафасда 64 кун яшади.



Тўғри, Жанубий Африка Республикаси Хартби спорт шаҳри ҳайвонот боғининг 28 ёшли ана шу хизматчиси «жасорат»га шуҳрат кетидан қувиб, қўл ургани йўқ. Ҳайвонот боғидаги горилла одамдан ўтган экан. Унинг ўрнига Оостерлаак урғочи ва мода маймунларни сотиб олмоқчи эди. Аммо маъмурият бунинг учун пул топилмади. Шунда Оостерлаак реклама ёрдамида зарур миқдордаги пулни тўплашга қарор қилиб қалтис ишга қўл урибди. Аммо хайр-эҳсон қилинган маблағ кўп бўлмади. У эр-хотин маймунларни сотиб олиш учун етарли 1000 доллар тўплашга муваффақ бўлди холос.

ФОТОКАЛЕЙДОСКОП



Қалтис ўйинлар.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

Гули мураббо қандай тайёрланади?

Эшитишимча атиргул баргидан шифобахш мураббо тайёрласа бўлар экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Д. Алимова,
боғча тарбиячиси.

Камалакдан ранг олган гулзорларимизни атиргулсиз тасаввур қилиш қийин. Гуллар малиқаси атиргул шоирлар тилида достон бўлиб, унга аталган, уни мадҳ этувчи шеърлар битилган, қўшиқлар куйланган. Ҳа, дилни равшан этгувчи, ғўзаллиги билан кишини ром қилувчи атиргул нафақат одамга завқ улашибгина қолмасдан, балки қадим замонлардан бери шифобахш омил сифатида ардоқланиб келинмоқда.

Қадим замонлардан бери атиргул асосида гулқанд, гулоб мурабболар тайёрланиб келинади. Маълумки, шарқ халқлари табобатида гулқанд сурункали ва ўткир йўталда, бедармонликда, камқонлик, ҳорғинликда, офтоб урганида ва ичбуруғ каби тинка қуритувчи хасталикларда даво ҳисобланиб келган. Атиргул гултожларидан тайёрланган мураббонинг дармонбахшлиги, ҳушбўй ва ниҳоятда ҳушбўйлигини ҳамма билади. Бироқ, гулдан мураббо тайёрлаш усулини билиб қўйиш фойдали бўлади.

Атиргул гулбарглардан мураббо тайёрлаш учун гултожбарглар шонадан ажратиб олинади-да, қуйи оқиш қисми қирқиб ажратилади. Ажратилган гулбарг қисмлари йирикроқ кўзли элак ёки ғалвирга солиниб гулчанглари тўкилиб кетгунга қадар силтанади. Шундан сўнг гулбарглар ювилиб, 3—5 минут давомида қайнатилади ва силкитиб сув гулбарглардан ажратилади ва гулбарглар эзудлик билан совитилади. Гулбарглардан ажратилган қайнатма сувлар шарбат тайёрлаш учун сақланади. Алоҳида шарбат тайёрлаш учун бир килограмм ҳисобидаги гулбаргларга 1,3 кило шакар, 2 литр сув, 2 грамм миқдорида лимон кислотаси олинади. Совуб турган гулбаргларга шарбат-қиём, мўлжалдаги кислота қўшилиб етилгунича қайнатилади.

Атиргул гулларидан мураббо тайёрлашнинг яна бошқа бир усули қайд қилинади. Бунда гултожбарглари сараланиб, 2—3 минут давомида қайнатилади-да, лимон кислотаси солиниб, оғзи беркитилган ҳолда 20 минут давомида сақланади. Сўнгра қайнатма суви мураббо қайнатиладиган идишга солинади, гулбаргларидан тушган суюқликка шакар солиниб шарбат-қиём ҳолига келгунича қайнатилади. Ажратилган гулбарглар бир ош қошиқ миқдоридаги шакар билан обдон чирбанд қилингач, уни шарбат-қиёмга солиниб етилгунича қайнатилади.

Маҳсулотлар меъёри қуйидагича: саралаб олинган гултожибарглардан 250 грамм олинса, бир килограмм миқдорида шакар, бир стакан сув ва 2—3 грамм атрофида лимон кислотаси кифоя.

Гули мураббо ўта ҳушбўй, лаззатли ва татимли бўлиши билан бирга, кишига дармон бағишлаши билан ажралиб туради. Айни куз ва қиш паллаларида наҳорга гул мураббосидан бир қошиқ истеъмол этиб турилади ган бўлса, организмни ҳар хил шамоллаш билан боғлиқ бўладиган хасталикларга нисбатан бардошли қилади.

Доно ХЎЖАЕВА,
доришунос.



Тоғлар ҳамма фаслда гўзал, манзаралн бўладн.
СУРАТДА: Хумсон қишлоғи, шўх Угом дарёси.

Д. Аҳмедов фотосн.

Журналист ва шоир хотираси

Муҳаммаджон Қўшоқов тажрибали журналист, ҳозиржавоб шоир ва меҳридарё мураббий эди. Унинг тақдири, ҳаётининг мазмуни шаҳримиз Тошкент билан боғлиқ эди. У болалар учун кўпгина шеърлар, қўшиқлар ҳам битган. Қуйида биз оқшомхонлар эътиборига М. Қўшоқовнинг шеърларидан намуналар ҳавола этмоқдамиз.

Дўстлик шаҳри

Бизнинг Тошкент нур шаҳри,
Боғлар шаҳри, гул шаҳри,

Зилзиладан қўрқмади,
Қуламади, чўкмади.

Чунки, унга мададкор
Қанча мард дўстлари бор.

Иш бошида улуғ рус,
Украин ҳам белорус,

Озар, қозоқ, арманн,
Тожик, туркман — дармонн!

Латиш келди ёрдамга.
Баллк, ўн тўрт оғамга!

Қардошлар берди мадад,
Тошкентим кўтарди қад.

Осмонўпар бинолар,
Саройлару кинолар,

Қанча майдон, хиёбон
Тунларда ҳам чароғон.

Бунда Ленин музейк.
Бунда қанча «Бахт уйк».

Бахтга чорлар ёшларни,
Турлн эл-қардошларнн.

Хуллас, шаҳрим бахт шаҳри,
Ўзбекнинг пойтахт шаҳри.

Элларда машҳур ҳусни,
Жаҳон танур исмини.

Шарқда машъал дейдилар,
Тенгсиз гўзал дейдилар.

Нон шаҳри деб Мағрибда
Тошкентимни таърифлаб.

Тинчлик шаҳри дейдилар,
Дўстлик шаҳри дейдилар,

Номи тилларда достон,
Истиқболи нурафшон.

Тошкентим бош шаҳримсан,
Ўзбекистон фахримсан.

Баъзи дўстлардан гапир

Эндн шоир ҳажв ёзсанг, баъзи дўстлардан гапир,
Ишда ҳушёрлнк бўшашган жою постлардан гапир.

Худдн киприкка илашган юпқа парда чанг кабн
Қалбнни босган қурумдек камн-кўстлардан гапир.

Барчага ёймай баробар мусобақа баҳсини,
Икки-уч илғорга донр ўз ҳам ўзлардан гапир.

Ўртача-ю, яллк ҳосил ўрта бармоқдек баланд,
Кеккайиб нақ бошбармоқ — катта сўзлардан гапир.

Икки ҳисса этса қойил топширнқни бошқалар
Юз фонзга етса ялло, дўст, дўстлардан гапир.

Жонни қийнаб не қилурман деб семирган беҳаё,
Чойхонада ошга шошган лўппи юзлардан гапир.

Зарбдорлар соясида чалиб чапаклар уррага
Судралиб бир четда юрган ширин сўзлардан гапир.

Бўлса мажлис оғзида сўк, сўзламоққа сўзи йўқ,
Сўзга лойиқ бир иш йўқ қора кўзлардан гапир.

Атрофида не янгилик сезмаган у изланиб,
Кел шу ялқов қулоғига бор ресурслардан гапир.

Майли, куйла қаҳрамонлар мадҳини, лек, аввало
Эндн шоир ҳажв ёзсанг шундай дўстлардан гапир.

Муҳаммаджон ҚЎШОҚОВ.

Дононинг тадбири

Эртак

Бир моҳир дурадгор-наққош бўлган экан. Ўз ҳунари, санъати билан ҳаммани лол қолдирган экан. Уйларни шундай нақшиндор қилиб қурар эканки, кўрганлар таҳсин ўқишар экан. Қисқаси, уста Назар атрофга донг таратибди: «Ўғил-қизим соғлом ўссин, илм-ҳунарли бўлсин», деб ота тинимсиз ишлар экан.

Болалар соғлом, ақлли, илмли, ҳунарли бўлиб ўсишибди. Ота бундан беҳад хурсанд бўлибди. Уйлантирибди, куёвга узатибди. Яйрабди. Аммо ота қувончи қуёш бота бошлаганидек, секин-аста сўна бошлабди. Бунинг биринчи сабабчиси келинлар бўлибди. Иккинчиси — уларнинг ота-оналари — қудалар бўлибди. Учинчиси — ўғилларнинг ўзлари бўлишибди.

Ота кучдан қолибди, топар-тутарининг мазаси қочибди. Охири оҳ-воҳ билан ётиб қолибди. Олдинлари ота ҳолидан, оби-ёвғонидан хабар олиб турадиган келинлар у ёқда турсин, ўғиллар ҳам хабар олмай қўйибди.

Уста Назар ғам ботқоғига бутунлай ботибди-ётиб қолибди. Буни эшитган унинг бир доно табиб дўсти келиб қолибди. Устанинг томирини ушлаб кўрибди. Кулибди. Устани ғам юки эзиб юборганини сезибди.

Э, ким айтади сизни моҳир уста, деб! Болалар, келинлар дилини билиш уй қуришдан қийин эканини билмабсиз-да! — дебди табиб. Сўнг дўстига кўз қисиб қўйиб, баланд овоз билан гапира бошлабди:

— Сиз жуда қизиқ одам экансиз-ку, уста! Шунча бойликни йиғиб-йиғиб, энди бошқаларга васият қиласизми-я? Ўғил-қизларингизга, невараларга қолдирмайсизми! Агар менинг гапимга кирсангиз шундай қиласиз, бўлмаса ўзингиз биласиз, унда мен сиздан қаттиқ хафа бўламан...

Бу гапларни ошкора эшитиб турган келинларнинг бири дарҳол патнусга нознеъматлардан тузаб, чой дамлаб кирибди.

— Табиб тоға! Ичиб ўтиринглар. Ота, иссиқ-иссиқ чой ичинг. Мана бу асал, пашмаклардан енг. Кеча ўғлингиз: «Дадам есин» деб олиб келган эдилар, — деб бидирлабди катта келин.

— Қандай ажойиб келинингиз бор экан-а, уста...

Шу пайт ўртача келин холвайтар, кичик келин палов кўтариб кирибди.

— Табиб тоға, совимасин! Отажоним билан олиб ўтиринглар!

— Балли, балли! Уста Назар, қанақа яхши келинларингиз бор экан-а! Энди мен ҳам тез-тез меҳмон бўладиган бўлдим. Қани, овқат мунтазир бўлмасин, баҳам кўрайлик!

Табиб билан уста Назар бир-бирларига қараб қулакула овқатланишибди. Шушу бўлибди-ю, ўғиллар ҳам отага меҳрибон бўлиб қолишибди. Яхши парваришга муҳтож бўлган ота кун сайин тетикланиб, оёққа турибди.

— Бу ёғи нима бўлади, табиб? — дебди уста Назар. — Улар сиз эшитирган бойликни кутишади-ку?

— Кутаверишсин! Биз кексаларнинг бойлигимиз — белимизнинг қуввати, кўзимизнинг нури нима? Фарзандларимиз. Сиз билан биз уларни илмли, ҳунарли, соғлом ўстирдикми? Ўстирдик. Энди навбат улардан. Энди улар ҳам менинг болаларимдек ўз ота-онасига ғамхўр, меҳрибон бўлишади. Ҳа, шундай уста! Гапим чин!

Табибнинг гапи чин бўлиб чиқибди: Ўғиллар, ҳам, келинлар ҳам, ҳаттоки, қудалар ҳам устага шунақанги меҳрибон, ширин сўз бўлиб қолишибдики, ҳамманинг ҳаваси келибди. Бундай ғамхўрликдан беҳад суюнган уста Назар тобора куч-ғайратга тўлиб кетибди, ишини яна давом эттирибди-да, мурод-мақсадига етибди.

Ёқубжон ШУКУРОВ.

телепрограммалар

Душанба


26 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 Футбол шарҳи. 10.05 «УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ». Тўрт серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм — «Бурилиш». 10.55 Болалар учун фильм. «Қандай қилиб мустақил бўлдим». 11.15 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Комплекснинг калити» (Тошкент), «Ер инъом этади» (Ашхобод). 11.50 Рус тили. 12.20 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 Халқ куйлари. 17.05 ОБЪЕКТИВ. 17.50 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати. Голландиядан кўрсатилади. 18.45 ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ. «Автогигантга нима халақит беряпти?». 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 «Қайчи». Мультфильм. 19.50 «Вологда тароналари». 20.00 «ТАВАККАЛ». Бадиий-публицистик фильм премьераси. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ». Тўрт серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм — «Бурилиш». 23.10 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.25 Футбол шарҳи. 23.55 Ж. Россини музикасига яратилган «ҚОЙИЛ, ФИГАРО» фильм балетининг премьераси. 00.45 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.



● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Уйчада ким яшайди». Ҳужжатли фильм (Ғарбий Сибирь кинохроника студияси). 9.35, 10.35 Физика. 9-синф. Кристалларнинг тузилиши ва хоссаси. 10.05, 14.30 Итальян тили. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.35, 12.35 Биология. 6-синф. Ўсимликлар селекцияси. 11.55 «Кристаллар». Илмий-оммабоп фильм (Свердловск). 12.05 ФАН ВА ТУРМУШ. 12.55 «Оддий одам». Бадиий фильм. 15.00 Янгиликлар. 15.10 Қушлар ва ҳайвонлар бир том остида. 2-кўрсатув.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 19.45 Футбол шарҳи. 20.15 «ЎЗИМ БАЙРАМ ҚИЛАМАН». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 20.25 Реклама. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сомса». Мультфильм. 20.45 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 Вильнюс шаҳрининг Нагорний паркида дўстлик концерти. 23.15 «Архангельское» музей-усадьбаси. 24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тўсиқ». Телефильм. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 «Ватанимни шарафлайман». Ватан ҳақида қўшиқлар.

* * *

17.30 Рус адабиёти. Пелагея Ниловнанинг революцион йўли (рус.). 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Гулистон» журнали саҳифаларида. 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади, СОВЕТСКИЙ ВОИН. Тележурнал (рус.). 19.30 «Ахборот» рус. 19.50 «Халқаро шарҳловчилар даврасида». 20.20 «Министр минбари». ЎзССР «Госстрой»и раиси Ш. У. Ҳайдарова билан суҳбат. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН». Концерт. 21.20 ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Октябрь ва Ўзбекистон». 2-кўрсатув. 22.50 ЎзТВ фондидан. О. Хўжаевнинг ижодий портрети. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Сешанба

27 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Мен, сен ва биз ҳаммамиз биргаликда...» Мактаб ўқувчиларининг новатор ўқитувчилар — Е. Н. Ильин, Ш. А. Амонашвили, В. Ф. Шаталов, С. Н. Лисенковалар билан учрашуви. 10.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ». Тўрт серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм — «Бўрилиш», 2-фильм — «Олтиндан ҳам қиммат». Танаффус пайтида — Скрипкада дуэтларни РСФСР халқ артистлари Э. Грач ва Е. Грач ижро этадилар. 12.10 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 «Салом, музика!» 17.20 Сенинг ленинча кутубхонанг. В. И. Ленин. ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ЙИЛЛИКЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН НУТҚЛАРИ. 18.05 «Биз бугун истаймизки...» «Артек» Бутуниттифоқ пионерлар лагери қурилиши муаммолари ҳақида. 18.25 СИЗ ЯРАТГАН БОҒ. 18.55 «Алпомиш — ботир». Мультфильм (Қозоғистон). 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.35 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. СОВЕТ УКРАИНАСИ, УКРАИНА ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ». Тўрт серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм — «Олтиндан ҳам қиммат». 23.10 СИЗ БУНГА ҚОДИРСИЗ. 23.55 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 00.10 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 00.25 «Москвага билет». Эстрада программаси.



● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Ишчи принципи». Телевизион ҳужжатли фильм (Душанба). 9.35, 10.35 Музика. 6-синф, Людвиг ван Бетховен. 10.05, 12.55 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Умумий биология. Ҳаёт эстафетаси. Мендель қонунлари. 11.35, 12.35 Табиатшунослик. 3-синф. Ер омбори. 11.55 «Диққат: «Циклон». Илмий-оммабоп фильм («Киевнаучфильм»). 12.05 Рус тили. 13.25 «Совет тасвирий санъати». Кукриниксклар. 1-ва 2-кўрсатувлар. 14.25 Ўқитувчи экрани. Тарих. 8-синф. «Коммунистик партия Манифести»нинг тарихий аҳамияти. 14.55 Янгиликлар.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 ҲАМДЎСТЛИК. Тележурнал. 19.15 Ритмик гимнастика. 19.45 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қизча ва аждаҳо». Мультфильм. 20.45 Теннис. Халқаро турнир. Бельгиядан кўрсатилади. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 «Овлоқ жойда отилган ўқ». Бадиий фильм (Свердловск киностудияси). 23.40 Янгиликлар. 23.45 «Александр Твардовский». Телевизион ҳужжатли фильм.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 Тонгги тароналар. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Ҳужумнинг чароғон нури» (такрорий).

* * *

17.30 Химия. Оксидланиш ва қайтариш реакциялари. 17.55 Янгиликлар. 18.00 «Гулхан» журнали — бизнинг меҳмонимиз. 18.25 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Тошкент — Ўрта Осиёда инқилоб маркази». 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Кузбасс» (Кемерово). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — АХБОРОТ (рус.). 20.50 АХБОРОТ. 21.10 1987 ЙИЛ «ОҚ ОЛТИН»И. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШКИЛ ТОПГАН КУНГА. «Ягона онлада». 22.35 ЎЗБЕКИСТОН КУЙЛАГАЙ. II Бутуниттифоқ фестивали доирасида ўтказилган халқ ижодиёти республика кўрик-конкурси ғолиблари ва лауреатларининг якунловчи концерти. Танаффус пайтида — «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Чоршанба

28 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ». Тўрт серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм — «Олтиндан ҳам қиммат», 3-фильм — «Сайлаш». Танаффус пайтида — С. Орехов чалади (гитара). 11.40 «Қалб садоси». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.55 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 «Туркия бўйлаб». Ҳужжатли фильм. 17.20 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 18.05 Е. Станкович. 3-камер симфонияси. Киевдан кўрсатилади. 18.25 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА, «ЛЕНИНГРАД» «АВРОРА». «ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ленинград). 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 ҚУРИЛИШ ВА АРХИТЕКТУРА. Киножурнал. 19.40 «Бир-биримиздан ўрганадиган нарсаларимиз бор». СССР Фанлар академиясида давра суҳбати. 20.25 «1987 йилнинг навқирон театри». Театр студияларининг Бутуниттифоқ фестивали. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.10 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ». Тўрт серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм — «Сайлаш». 23.00 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР — Исландия терма командалари. Симферополдан кўрсатилади. Танаффус пайтида — ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.



● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Қайта қуриш». Илмий-оммабоп фильм («Киевнаучфильм»). 9.35, 10.35 Жамиятшунослик. 10-синф. Давлат ҳақида марксча-ленинча таълимот. 10.05, 13.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Астрономия. Сайёралар. 11.35, 12.35 Тарих, 9-синф. Ленинча «Искра». 12.05 Шахмат мактаби. 13.35 «Овлоқ жойда отилган ўқ». Бадиий фильм. 15.00 Теннис. Халқаро турнир. Бельгиядан кўрсатилади. 15.45 Янгиликлар.

* * *

18.20 Янгиликлар. 18.30 Бокс. Жаҳон кубоги. 1/4 финал. Югославиядан кўрсатилади. 19.30 МУЗИКАЛИ КИОСК. 20.00 «СССРда ихтиро қилинган». 1-кўрсатув. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мартишкага салом». Мультфильм. 20.45 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». М. Равель. Фортепьяно, скрипка ва виолончель учун трио. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.10 И. С. Тургенев ижодига бағишланган фильм-концерт. 23.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 Тонгги тароналар. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 «Ота-оналарга болалар ҳақида».

* * *

17.30 «Она-диёр». Илмий-оммабоп программа. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Мультфильм. 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол менинг тақдиримда». Жамоат қабулхонаси. Самарқанд область комсомол комитети ходимларининг «Электробитмаш» заводи ишчи ёшлари билан учрашуви. (рус). 19.10 «Қишлоқ ҳақиқати» ва «Сельская правда» газеталари саҳифаларида. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 20.20 «Камароб». Телефильм. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН». Концерт. 21.20 ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Октябрь ва Ўзбекистон». 3-кўрсатув. 22.45 «Синчалак». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 00.20 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Пайшанба

29 ОКТЯБРЬ


КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУН

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ». Тўрт серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм — «Сайлаш», 4-фильм — «Масъулият». Танаффус пайтида — Комсомол-ёшлар қўшиқларидан концерт. 11.40 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 17.00 «В. И. Лениннинг Кремлдаги кабинети ва квартираси» музейига телеэкскурсия. 17.30 «Шаҳар таронаси. Пермдан кўрсатилади. 18.00 КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУНГА. «ИШОНЧ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 «Агар соғлом бўлай десанг». 19.45 «Оқ бўталоқ». Мультфильм. 19.55 КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУНГА. «Улар биринчилардан эдилар». Бадиий фильм. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15. УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА «РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ». Тўрт серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 4-фильм — «Масъулият». 23.10 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.30 Футбол Олимпия турнирининг саралаш матчи. Швейцария — СССР терма командалари. Швейцариядан кўрсатилади. 01.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.



● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Сут дарёси манбаларида». Ҳужжатли фильм (Кишинёв). 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 4-синф. Ерда ҳаёт учун ҳавонинг аҳамияти. 9.55 «Назариётчилар». Илмий-оммабоп фильм («Экран»). 10.05, 14.30 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.55 Илмий-оммабоп фильмлар: «Гўё она-Волгадагидек («ЦНФ»), «Уфққа туташадиган йўл» («ЦНФ»). 11.35, 12.35 Биология. 7-синф. Курт-қумурсқаларсиз ҳаёт бўладими? 12.05 «Рус санъати». Ёғоч ўймакорлиги. 13.05 «Генерал Шубников корпуси». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 15.00 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 15.45 Янгиликлар.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.40 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 19.40 «Совғага кино». Ҳужжатли фильм 20.00 Ритмик гимнастика 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Золушка». Мультфильм. 1-қисм. 20.45 Теннис Халқаро турнир. Бельгиядан кўрсатилади. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ 22.15 Бокс. Жаҳон кубоги. Ярим финал, Югославиядан кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар. 23.35 КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУНГА. «Сенинг қўшиқларинг, комсомол». Концерт.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 Тонгги тароналар. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 «Ёшлар партияга содиқ». Ҳужжатли фильм.

* * *

17.30 Ўқитувчи экрани. Илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибасидан. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Мультфильм. 18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Сенинг номинг комсомол». Комсомол туғилган кунга бағишланган кўрсатув. 19.00 КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮНЬ (1987 й.) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! «Ким ва нима учун жавобгар». (рус.). 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 Ҳ. Худойбердиева. «Садоқат». Адабий композиция. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Ўзбекистон Давлат телерадиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Революция тенгдошлари». «Уста Маҳмуд Усмонов. 22.25 КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУНГА. ТОШКЕНТ — ДУШАНБА ТЕЛЕКЎПРИГИ. 23.45 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Жума

30 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Ишонч». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.50 «Ипак мўйқалам». Мультфильм. 11.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА «РЕВОЛЮЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ». Тўрт серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 4-фильм — «Масъулият» 11.55 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 «Қишлоқ ўқитувчиси». Бадиий фильм («Союздетфильм»). 18.30 НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ. Сиёсий ва иқтисодий таълим тармоқларидаги қайта қуриш ҳақида. 19.00 «ЁШЛАР СЛЁТИ» Комсомол ва ёшларнинг Октябрь 70 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ слётининг очилишидан репортаж (Ленинград). 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.35 Киноафиша 20.20 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. СОВЕТ РОССИЯСИ. СЕНИНГ, РОССИЯ, ОДИМЛАРИНГ!» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»). 21.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ДАВЛАТ МАРКАЗИЙ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА РСФСР САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА ИЖОДКОР ЁШЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ. 00.05 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Мангу бор бўлсин Май!». Ҳужжатли фильм («Беларусьфильм»). 9.35, 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 3-синф. «Биз — октябрятлармиз». 9.55 «Болакайлар, тезлик ва орзу». Илмий-оммабоп фильм (Тошкент). 10.05, 13.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.55 «Бу мўъжазгина, улкан олам». Илмий-оммабоп фильм (Ереван). 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Тарих. Москвада Декабрь қуролли қўзғолони. 11.35,



12.35 Тарих, 7-синф. Александр Невский. 12.05 СИЗ ЯРАТГАН БОҒ. 13.35 Тарих саҳифалари. Ғалаба манфаати, тинчлик манфаати йўлидаги бирдамлик. 14.30 Теннис. Халқаро турнир. Бельгиядан кўрсатилади. 15.15 Янгиликлар.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 Бокс. Жаҳон кубоги. Ярим финал. Югославиядан кўрсатилади. 20.00 «СССРда ихтиро қилинган». 2-кўрсатув. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Золушка». Мультфильм. 2-қисм. 20.50 Велоспорт. Халқаро мусобақалар. «Крилатское» спорт комплексидан кўрсатилади. 21.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. ЧССР — СССР терма командалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади. 00.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 Тонгги тароналар. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 «Ўзбекистонда Ҳиндистон фестивали» (такрорий).

* * *

17.30 Ўқитувчилар учун консультация. Ҳозирги замон ўқитиш системасига талаблар. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлар журналлари» «Ёшлик» меҳмони». 18.55 АГРОСАНОАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 «УКРАИНА— ЎЗБЕКИСТОН ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ» (рус.). 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Уйғур куйларидан концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. 22.15 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Октябрь ва Ўзбекистон». 4-кўрсатув. 23.00 «Се[illegible] пешвоз», Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Шанба

31 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Нега ва нима учун?». Болалар учун кўрсатув. 10.05 БИЗНИНГ УЙ. Тележурнал. 10.45 Халқ ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивали. «Фестиваль позивнойлари». 11.15 «УРАЛ — ТАРИХ САҲИФАЛАРИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск). 11.30 «ЁШЛАР СЛЁТИ». Комсомол ва ёшларнинг Октябрь 70 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ слётидан репортаж (Ленинград). 11.45 «Жазоир бугун». Киноочерк. 12.00 КАМАЛАК. Халқ ижодиёти телепрограммаларининг халқаро фестивали «Хороводда биз ҳам бўлдик» (СССР). 12.35 Телевизион ҳужжатли фильм. 12.45 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. Уруш ва меҳнат ветеранлари ҳақида ғамхўрлик. Ульяновск, Иркутск, Тошкент шаҳарларининг иш тажрибасидан. 13.15 ҲАМДЎСТЛИК. Тележурнал. 13.45 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 14.00 «Шанба — ота-оналар куни». Мактаб ислоҳоти: анъаналар ва новаторлик. 15.30 УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА. Тарихнинг сўнмас сатрлари. «Ҳаёт билан ҳамдам». Бадиий фильм («Ленфильм»). 17.20 МЎЪЖИЗАСИЗ-МЎЪЖИЗАЛАР. 18.20 «СИЗГА ҚЎШИҚ ҲАДЯ ЭТАМАН». Музикали-фильм премьераси. РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Шаврина иштирокида. 18.50 «Терговни бўғирсоқлар олиб боради». Мультфильм премьераси. 19.10 «ШУНДАЙ ҒАЛАБА ҚОЗОНАМИЗ». М. Горький номли Москва бадиий академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — М. Шатров. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 Футбол. СССР чемпионати. «Арарат» — «Спартак». 2-тайм. Ереванидан кўрсатилади. 23.30 ТЕЛЕТОМОШАБИН ҲАМРОҲИ. 24.00 ШАНБА ОҚШОМИДА. «Аншлаг, Аншлаг». 01.20 Янгиликлар. 01.25 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Шарқий Сибирь». Киножурнал. 9.30 Ритмик гимнастика. 10.00 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 10.30 «Жаҳон бадиий маданияти». XIX аср охири рус санъати. В. Серов. 11.05 «Ҳалок бўлган альпинист» меҳмонхонаси». Бадиий фильм, субтитр билан («Таллинфильм»). 12.25 «Снови, Чилли, Мотли ва мен». Телевизион ҳужжатли фильм. «Ҳайвонот оламида» туркумидан. 13.25 Реклама. 13.30 «СОВЕТ ФАНИ ТАРИХИДАН ҲИКОЯЛАР». Ҳужжатли фильм премьераси. 5-фильм — «Атомчилар» («ЦНФ»). 14.30 ЗДОРОВЬЕ. 15.15 «ИЛЬЯ ЧАВЧАВАДЗЕ. ҲАЁ-



ТИ САҲИФАЛАРИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Тбилиси). 16.10 Мультфильмлар: «Бўри ва етти эчки боласининг янгича талқини», «Олтин соч». 16.40 ЯРИМ ТУНГАЧА ВА ЯРИМ ТУНДАН СЎНГ (17 октябрдаги кўрсатув такрорланади). 18.10 Велоспорт. Халқаро мусобақалар. «Крилатское» спорт комплексидан кўрсатилади. 18.40 «Масхарабозлар». Фильм-концерт («Экран»). 19.05 Теннис. Халқаро турнир. Бельгиядан кўрсатилади. 19.50 «Музикали портрет». Э. Молдовяну куйлайди. Румыния телевидениесининг кўрсатуви. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Жу-жу-жу». Мультфильм. 20.45 Баскетбол шарҳи. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 «Энг яхши йиллар». Бадиий фильм (Одесса киностудияси). 23.30 Теннис. Халқаро турнир. Бельгиядан кўрсатилади. 24.00 Футбол. СССР чемпионати. «Жальгирис» — «Динамо» (Москва). 2-тайм. Вильнюсдан кўрсатилади. 00.45 Янгиликлар. 00.50 «Парвоз» ансамбли ижро этади (Тошкент).

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Одесса яқинидаги чўллардан». Телефильм. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 «Оловли йўллар» Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Менинг республикам». 9.05 «ТЎМАРИС». Телевизион бадиий-фильм балет премьераси («Ўзбектелефильм»). 10.15 «Муросасиз хўжалик ҳисоби». Хўжалик ҳисоби шароитидаги иш тажрибасидан (рус.). 10.45 «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали саҳифаларида. 11.05 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. Кеча, бугун, эртага». (рус.). 12.05 «Амалдаги интернационализм». Улуғ Ватан уруши қатнашчиси С. Ю[illegible]таев ҳақида телеочерк. 12.30 «Мусиқа луғати саҳифаларида». 13.00 «Замондас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун программа (қозоқ тилида).

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 ДЎСТЛИК ЭКРАНИ. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси Олмаотадан кўрсатилади. 19.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 «Хат ва ҳаёт». Телетомошабинларнинг хатлари асосида кўрсатув 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Сурхондарё область Бойсун районидаги «Шалола» фольклор-этнографик ансамблининг концерти. 21.20 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «ПРОЛОГ». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»). 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 1987 ЙИЛ «ОҚ ОЛТИН»И. 22.25 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Якшанба

1 НОЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.30 Ритмик гимнастика. 10.15 «Спортлото» тиражи. 10.25 БУДИЛЬНИК. 10.55 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 11.55 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 12.25 САЁҲАТЧИЛАР КЛУБИ. 13.25 МУЗИКАЛИ КИОСК. 13.55 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 14.55 ЗДОРОВЬЕ. 15.40 «ЁШЛАР СЛЁТИ». Комсомол ва ёшларнинг Октябрь 70 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ слётидан репортаж (Ленинград). 15.55 Бокс. Жаҳон кубоги. Финал. Югославиядан кўрсатилади. 17.15 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 18.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «ЎРТОҚ ҚЎШИҚ». Бутуниттифоқ телевизион конкурси қатнашчиларининг якунловчи концерти. 19.35 Мультфильмлар: «Сеҳрли най», «Олтин тўқмоқ», «Бўрсиқ ва Ой» (Қозоғистон). 20.00 «НИКОЛАЙ БАТИГИННИНГ КУНЛАРИ ВА ЙИЛЛАРИ». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси («Экран»). 1-серия. 21.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 КИНОПАНОРАМА. 23.35 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.45 МТ ва БРнинг РСФСР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги академик рус халқ чолғу оркестрининг концерти. 00.10 Янгиликлар. 00.15 Футбол шарҳи.

● МТ II

9.00 Зарядкага сафланинг! 9.20 Рус тили. 9.50 ХАБАРОВСК ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 10.50 Теннис. Халқаро турнир. Бельгиядан кўрсатилади. 11.35 «СОВЕТ ФАНИ ТАРИХИДАН ҲИКОЯЛАР». Ҳужжатли фильм премьераси. 6-фильм — «Галактика фарзандлари» («ЦНФ»). 12.45 Мамлакат миллий театрлари фестивали. «ОХИРГИ ТУРНА». Я. Купала номли белорус Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Авторлар — А. Дударев. А. Жук. 14.40 «Ишонч». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.55 «Аукцион». Бадиий фильм («Мосфильм»). 17.20 «ХОТИРА». Телевизион фильм. Кекса большевикларнинг хотиралари. Революцион қўшиқларни МТ ва БРнинг совет қўшиқлари студияси ансамбли ижро этади. 17.45 «Ўртоқ авлодлар». В. Маяковский ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм («Экран»). 18.40 Бадминтон. «Литературная Россия» газетаси соврини учун халқаро турнир. «Измайлово» Спорт саройидан кўрсатилади. 19.10 «Она шаҳрим». Телевизион ҳужжатли фильм (Фрунзе шаҳри). 19.30 «Жаҳон музика маданияти ха-



зинасидан». Г. Свиридов. «Пушкин гулчамбари». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қўнғир айиқ ҳақида». 20.45 КАМАЛАК. Халқ ижодиёти телепрограммаларининг халқаро фестивали, «Хороводда биз ҳам бўлдик». (СССР). 21.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. ЧССР — СССР терма командалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади. 00.20 Янгиликлар. 00.25 СССР халқ артисти М. Магомаев куйлайди. Давлат Марказий концерт залидан кўрсатилади.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Юқори Донда». Телефильм. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 Ижодкор ёшлар учун «Истеъдод». 8.10 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 17-серия — «Менинг республикам». 10.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Биргаликда куйлаймиз». «Интернационал» (такрорий). 10.55 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Шаҳар тенгдошлари». Ҳужжатли фильм. 11.15 Болалар учун телевизион театр. А. Обиджон. «Қўнғироқли ёлғончи». Й. Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.30 Шахмат мактаби. 13.00 ЎзТВ фондидан. Ойбек. «Қутлуғ қон». Видеофильм. 4-қисм. 14.10 «Мактаб ислоҳоти — ҳаётга!». Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаруви. 14.40 «Оташқалб[illegible]» Қрим-татар тилида кўрсатув. 15.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 16.25 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Парвоз Ердан бошланади». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 18.25 «Эҳ сиз, ҳой бойлар!» Бадиий фильм. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 «Цирк. Зириповлар сулоласи». 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН». Концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Октябрь ва Ўзбекистон». 5-кўрсатув. 22.50 Мусиқамиз хазинасидан. «Баёт». 23.55 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Биз 1988 йилда ҳам «Телевидение программалари»ни шу ҳолда, батафсил бериб бориш ниятидамиз. Программаларнинг берилишига доир ўз фикр ва мулоҳазаларингиз бўлса бизга ёзиб юборишингизни сўраймиз.

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-5; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33.99-42, 32-53; —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-81-42. «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 09108 Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Б. 2494. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10